

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЗБУЛЛАЕВА ГУЛЧЕҲРА ВАЛЕРИЕВНА

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯГА
ОИД ҚАРАШЛАРИДАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Избуллаева Гулчехра Валериевна

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш..... 3

Избуллаева Гулчехра Валериевна

Эффективное использование духовно-моральных взглядов Джалалиддина Руми в образовательном процессе..... 21

Izbullayeva Gulchehra Valeriyevna

The effective usage of Jaloliddin Rumi's views on spiritual and moral education in educational process..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЗБУЛЛАЕВА ГУЛЧЕҲРА ВАЛЕРИЕВНА

**ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯГА
ОИД ҚАРАШЛАРИДАН ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогика таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ped21 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Булатов Саидахбор Собитович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мардонов Шукрулла Қўлдошович
педагогика фанлари доктори, профессор

Ҳомиджон Ҳомидий
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____соат_____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tgru_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51.

Диссертация автореферти 2018 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.С.Шарипов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

Р.Г.Исянов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доц.

Д.Д.Шарипова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, п.ф.д., проф.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон ва унинг кадр-қиммати, жамият тараққиёти ажодлар қолдирган бой маънавий мерос билан баҳоланиб, келажак пойдевори сифатида кадрланиб келади. Жумладан, буюк мутафаккир Жалолиддин Румий маънавий мероси Европа ҳамда Осиёнинг кўпгина ривожланган мамлакатлари тадқиқот марказларида кенг ўрганилади. Алломанинг маънавий-маърифий қарашларини ўрганишга асосланган лойиҳалар, музей ва виртуал музейлар, жамғармалар, конференциялар, интернет саҳифалари ҳамда илмий журналлар тизими жорий этилган. 2007 йилда ЮНЕСКО томонидан аллома даҳосига эҳтиром кўрсатилиб, Румий таваллудининг 800 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланиши унинг бой маънавий мероси умумбашарий аҳамиятга эга эканини исботлайди.

Мамлакатимизда маънавий мерос, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тикланиши, ёшларни ҳар томонлама етук, маънан юксак, комил инсон қилиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, жамият равнақи «...ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил ёндаша оладиган, айна замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялаш»¹га боғлиқ экан, бунинг учун фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада такомиллаштириш катта аҳамиятга эга. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармонининг қабул қилиниши ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштиришда «жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш...»² жараёнларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.

Республикамиз ҳамда дунё халқлари томонидан кенг эътироф этилган, шахсга маънавий-ахлоқий таъсир кўрсатишда ўтмиш алломалари ичида «камолот», айниқса «маънавият» атамаларига кенг таъриф бериб, уларнинг моҳиятини очиш Жалолиддин Румийнинг таълим-тарбиявий қийматга эга бўлган «Маснавийи маънавий» асари билан танишиш имконини берди. Мазкур асар орқали шахсда иймон-эътиқод, бағрикенглик, ирода, қалб поклиги, виждон уйғоқлиги, гўзал ахлоқ, ўз-ўзини англаш каби сифатларни қарор топтириш зарурлиги алломанинг маънавий меросидан таълим жараёнида фойдаланишни йўлга қўйиш ва ривожлантириш ҳамда ўқитишнинг замонавий шакл, метод ва воситаларини такомиллаштириш катта аҳамият касб этади.

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2011, – Б. 76-77

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2006 йил 25 августдаги ПК 451-сонли «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 апрелдаги ПК 2909-сонли «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси-нинг 1998 йил 24 июлдаги 311-сонли «Маънавий ва маърифий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарори, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация маълум маънода хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда маънавий-ахлоқий тарбия, маданият, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари педагогика соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг асосий мазмунини ташкил этган. Жумладан, А.М.Абдуманнотов, А.Т.Тилегенов, Б.Х.Караева, Г.К.Зарипова, Д.А.Ахатова, З.Б.Ахророва, К.Ю.Қиличева, М.О.Иномова, М.С.Салаева, М.Э.Исмаилова, Н.М.Эгамбердиева, Н.Ортиқов, О.Мусурмонова, Р.Маматқулова ҳамда С.Нишонванинг илмий-тадқиқот ишларида маънавий-ахлоқий тарбия назарияси ва амалиёти, маънавий мероснинг шахс камолотига таъсири, Шарқ алломаларининг комил инсон борасидаги қарашлари ўз ифодасини топган. Айниқса, А.Чориев ва Н.Чориев педагогика тарихининг тасаввуф билан узвий боғлиқлик жиҳатларини ёритишда Шарқ мутафаккирлари катори Жалолиддин Румий маънавий мероси муҳим манба бўлиб хизмат қилиши ҳамда уни ўрганиш кераклигини таъкидлаб ўтадилар.

Жалолиддин Румий ижодига муносабат бизнинг заминимизда XIV асрдан бошлаб юксак даражага кўтарилган. Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Шайх Одина Мухаммад Хоразмий, кейинчалик эса Мирзо Абдулқодир Бедил, Бобораҳим Машраб каби сўз усталари Румийни ўзларига устоз деб билиб, унинг асарларидан илҳомланиб, инсон камолоти, маънавияти, ахлоқи борасида илмий-тарихий, бадиий асарлар яратган. А.Маҳкам, Ж.Камол, М.Ҳасаний, У.Ҳамдам томонидан Румий асарларининг таржима қилиниши билан бирга А.Самад, А.Тилавов, Э.Шукур, И.Ҳаққул, Н.Комилов, М.Абдурасул, О.Усмон, Р.Жумаев, Э.Очилов, Ҳ.Болтабоев, Ҳ.Фикрат, Ҳ.Ҳомидий кабиларнинг таржима, шарҳ ва илмий-оммабоп мақолалари эълон қилинган. Шунингдек, Г.Н.Наврўзова, Г.Т.Қобулниёзова, Н.И.Зайнобидинова ва бошқалар ўз илмий ижодида Румий қарашларини фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилган.

Румий меросини ўрганиш ва ундан фойдаланиш бўйича Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Озарбайжон, Тожикистон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Грузия, Туркия, Англия, Франция, Германия, Албания, Россия, АҚШ ва Канадалик олимлар томонидан илмий-фалсафий, бадиий-маърифий соҳадаги тадқиқотлар амалга оширилган. А.Гулпинарли, А.Ж.Орбери, А.Зарринқўб, А.Х.Халифа, А.Шиммел, Б.Фурўзонфар, Д.Щедровицкий, И.Ҳ.Иброҳимова, К.Баркс, К.Хуар, М.Иқбол, М.Истеъломий, М.Н.Османов, М.Хаткевич, Н.Одилов, Р.Никольсон, Р.Фиш, С.Сечев, Т.Пурномдориён, У.К.Читтик, Ф.Д.Луис, Х.М.Зиёев, Э.Д.Джавелидзе ва бошқа кўпгина шарқшунос олимлар шулар жумласидандир.

Румий ижодини ўрганиш бўйича шарқшунослик, адабиётшунослик, тасаввуфшунослик, фалсафа ва қисман, психология йўналишларида тадқиқотлар мавжуд бўлгани ҳолда, аллома қарашларининг аниқ педагогик таҳлили эътибордан четда қолган. Педагогика тарихида Румийнинг таълимий-тарбиявий, маънавий-ахлоқий қарашларининг ўрни бекиёслиги илмий тадқиқот ишининг мавзусини «Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш» деб белгилашга асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Бухоро давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари йўналишига тўла мос келиб, «Баркамол авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда аждодлар меросидан фойдаланишнинг илмий-педагогик асослари» муаммоси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш имкониятларини асослаш ҳамда амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид илмий-фалсафий, педагогик-психологик, маънавий-маърифий қарашларини тазкиранавислик (антология), шарҳнавислик, таржимонлик ҳамда тадқиқот йўналишлари бўйича таҳлил қилиш;

Жалолиддин Румийнинг «Маънавийи маънавий» асарида тарбияга оид қарашларни она вужуди, оила, устоз-шогирд ва жамоа йўналишлари асосида маънавий-ахлоқий таснифлаш;

Жалолиддин Румий маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятларини такомиллаштириш;

«Шарқ педагогикасида маънавий-ахлоқий тарбия (Жалолиддин Румий маънавий мероси мисолида)» номли электрон дастур тузилмаси, мазмунини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида фойдаланиш бўйича педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш, ўтказиш ҳамда илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти – Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан «Педагогика ва психология» ҳамда «Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш» таълим йўналишларида фойдаланиш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети – Жалолиддин Румийнинг илмий ва бадиий меросидаги маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг шакл, услуб ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифалар ечимини топиш учун умумилмий (тарихий, биографик, контент-таҳлил), социометрик (тест, анкета сўров, суҳбат), педагогик кузатиш, тажриба-синов ўтказиш ҳамда математик-статистик таҳлил қилиш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жалолиддин Румийнинг маънавий мероси тазкиранавислик (антология), шарҳнавислик (шарҳ, талқин), таржимонлик ҳамда илмий тадқиқот йўналишлари бўйича таснифланиб, таълим жараёнида фойдаланишнинг назарий имкониятлари педагогик жиҳатдан ривожлантирилган;

маънавий-ахлоқий тарбияга оид аналогия (ўхшаш, қиёслаш), ахлоқий таъсир ҳамда маънавий мунозара тамойиллари «Маснавийи маънавий» асарининг ҳикоя, масал, эпос, ҳикматлар, халқ оғзаки ижоди намуналари мазмунидан фойдаланиш, юксак маънавиятли шахсни тарбиялашга устиворлик бериш асосида ривожлантирилган;

«иймон-этикод», «бағрикенглик», «мустаҳкам ирода», «виждон», «гўзал ахлоқ» тушунчаларидан шахсга йўналтирилган таълим жараёнида фойдаланишнинг педагогик имкониятлари оила, жамоа, узтоз ва шогирд муносабатларини оптималлаштириш асосида кенгайтирилган;

Жалолиддин Румийнинг маънавий меросидан ўрин олган шахс маънавий-ахлоқий тарбиясини шакллантириш ва ривожлантириш мазмунидан таълим жараёнида юксак маънавий-ахлоқий тафаккурни ривожлантиришга доир илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланиш имкониятлари асосида «Маснавийи маънавий»дан ҳикоялар, масаллар ва ҳикматлар тўплами яратилган;

«Шарқ педагогикасида маънавий-ахлоқий тарбия (Жалолиддин Румий маънавий мероси мисолида)» номли танлов фани тавсия этилиб, унинг услубий таъминоти яратилган ҳамда «Олий таълимда Жалолиддин Румийнинг маънавий меросидан фойдаланиш методикаси» номли методик қўлланма ишлаб чиқилган;

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилган;

«Шарқ педагогикасида маънавий-ахлоқий тарбия (Жалолиддин Румий маънавий мероси мисолида)» номли электрон дастур тузилмаси, мазмуни ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси методологияси (билишнинг диалектик методи, ўқув фанлари, жамият ва табиат

ходисаларини таҳлил қилишга тизимли ёндашув) ҳамда педагогика соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланилгани; тадқиқот вазифаларига мос, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тадқиқот методларининг қўллангани; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор ва сифат жиҳатидан таъминлангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти:

Жалолиддин Румийнинг маънавий мероси тазкиранавислик (антология), шарҳнавислик, таржимонлик ҳамда тадқиқот йўналишлари бўйича таснифлангани, унинг «Маснавийи маънавий» асаридаги маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларнинг она вужуди, оила, устоз-шогирд ва жамоа йўналишлари бўйича таснифидан фойдаланиш имкониятлари ҳамда мазмунидан «Педагогика» фанларида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланиш имкониятлари, маънавий-маърифий тадбирларда фойдаланишга оид таклифлар, «Шарқ педагогикасида маънавий-ахлоқий тарбия (Жалолиддин Румий маънавий мероси мисолида)» номли электрон дастурдан педагогика йўналишидаги мутахассисларни тайёрлашда фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида самарали фойдаланиш юзасидан ишлаб чиқилган илмий-амалий таклифлар асосида:

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида фойдаланишнинг методик имкониятлари педагогик жиҳатларини ривожлантириш, устоз ва шогирд муносабатларида фойдаланишни кенгайтириш, илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда таълим жараёнида татбиқ этишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 11 январдаги 89-03-2634-сон маълумотномаси). Бу таклифлар талабаларнинг маънавий тарбиясини такомиллаштиришга, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланишга хизмат қилган;

демократик маданиятни, миллий ва умуминсоний қадриятлар (хикоя, масал, эпос, ҳикматлар, халқ оғзаки ижоди намуналари) негизида илмий дунёқарашни, халқ анъаналари, урф-одатлари билан узвий бирлигини, оила, жамоа, узтоз ва шогирд муносабатларида оптималлаштириш, Ўзбек халқ маданиятини асраш ва бойитишни, бошқа халқлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлашда, инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналминалчилик руҳини ривожлантириш, юксак маънавиятли шахсни тарбиялашга йўналтирилганлигини таъминлашга оид таклифлардан, «Педагогика» таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари Давлат таълим стандарти мазмунини ишлаб чиқишда фойдаланилган (ОЎМТВ нинг 2015 йил 21 август 303 сонли буйруғи). Натижада «Педагогика ва психология» таълим йўналишлари учун «Шарқ педагогикасида маънавий-ахлоқий тарбия (Жалолиддин Румий маънавий

мероси мисолида)» танлов фанидан ўқув дастури, электрон дарслик яратилиб, амалиётга татбиқ этилди;

диссертация натижалари Германиянинг ResearchGate халқаро олим ва тадқиқотчилар ижтимоий тармоғининг расмий интернет сайтига ҳавола қилинган (https://www.researchgate.net/profile/Izbullaeva_Valerievna).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари, жумладан, бта халқаро ва бта республика илмий-амалий анжуманида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 29та илмий иш, шулардан 1та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 28та, 9таси хорижий, 19таси республика журналларида эълон қилинган, 1та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 130 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги кўрсатилган; муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил этилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари аниқланган, унинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Жалолиддин Румий педагогик меросини ўрганишнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида Жалолиддин Румий маънавий-ахлоқий таълимоти, унинг «Маснавийи маънавий» асаридаги маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда фойдаланиш имкониятлари ёритилган.

Шарқ ва Ғарб тадқиқотчиларнинг ишлари Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид илмий-фалсафий, психологик, маънавий-маърифий қарашлари таҳлилин тазкиранавислик (антология), шарҳнавислик, таржимонлик ҳамда тадқиқот йўналишлари бўйича амалга оширишни тақозо қилади. Жумладан, Румий ижодининг бугунги кун учун долзарб ҳисобланган жиҳатларини ўрганиш ўзаро мувофиқлаштирилган тадқиқотларни такомиллаштириш, Румий фикр ва қарашларининг ижтимоий аҳамиятини аниқлаш, Румий қарашларининг фундаментал асоси ва дунёқараши бўйича лойиҳалар ишлаб чиқиш, Румий таълимотига асосланган тадқиқот марказини ташкил этиш, Жалолиддин Румий ижодида маданиятлараро муносабат

асосларини яратиш, Жалолиддин Румий маънавий меросининг таржима ва шарҳига асосланган журнал, интернет саҳифалар, виртуал музейлар яратиш, Румий илмий-бадий ижодининг интерпретацион (талқиний) асосини яратиш Ислом эзотеризми, сўфийлик, маънавият психологияси, фалсафа фани ва метафизикасида Жалолиддин Румий маънавий қарашларини ўрганиш имконини берган.

Диссертацияда маънавият инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча бўлиб, у кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олиши, ахлоқ (араб., хулқ-атвор) эса ижтимоий онг шаклларида бири, ижтимоий тартиб-қоида бўлиб, бу тартиб-қоида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кишиларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солиш вазифасини бажариши кўрсатилган. Демак, ахлоқнинг моҳияти шахс хатти-ҳаракатлари, юриш-туриши, турмуш тарзи, ҳаётий тамойиллари, қоидалари, шунингдек, ижтимоий муносабатлар мазмунини ўз ичига олади. Мутафаккир ижодида ахлоқнинг кўрсаткичлари ахлоқсизлик билан қарама-қарши қўйилади. Шоир ўз асарларида онгли мавжудот бўлмиш инсон томонидан содир этиладиган баъзи ахлоқсиз ҳолатларни ҳикоят тарзида келтириб: «Кеча кундузнинг ҳам зидди, ҳам ёрдамчиси ҳисобланади. Ашё зидди билан маълум бўлади» деб таъкидлаган. Шунингдек, инсоннинг ахлоқий сифатлари намоён бўлиши, унинг маънавий (ботиний) тарбияланганлигидан далолат бериши ҳам эътиборга олинган. Маънавий-ахлоқий тарбия тушунчаси Жалолиддин Румийнинг «Маънавийи маънавий» асарида она вужуди, оила, устоз-шогирд ва жамоа йўналишлари асосида таснифлаш, асарнинг олтита китобида келтирилган ҳикоялар ва ҳикматли сўзларни тематик жиҳатдан ўрганишни талаб қилади (1-расм).

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати ўқув, илмий-услубий, илмий-тадқиқот, ташкилий, маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни ўрганиш олий таълим муассасаларининг бакалавр босқичидаги ўқув фанлари, айниқса, ижтимоий-гуманитар ҳамда умумқасбий фанлар, аудиториядан ташқари ишлар, мустақил таълим жараёнининг имкониятларини таҳлил қилиш имконини беради. Диссертацияда Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари «Ижтимоий фалсафа», «Диншунослик», «Дунё динлари тарихи», «Маънавиятшунослик», «Ўрта Осиё алломаларининг илмий мероси ва тасаввуф тариқатлари тарихи», «Ғоялар фалсафаси», «Қадриятлар фалсафаси», «Фалсафанинг умумназарий масалалари», «Адабиётшунослик назарияси», «Жаҳон ва туркий халқлар адабиёти», «Матншунослик», «Тасаввуф ва мумтоз поэтика асослари» номли ижтимоий-гуманитар, умумқасбий фанлар, айниқса «Бошланғич таълим ва спорт-тарбиявий иш» ҳамда «Педагогика ва психология» таълим йўналишлари умумқасбий фанлари мисолида таҳлил этишни тақозо қилиши



1-расм. Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлари таснифи

баён этилган. Шунингдек, мазкур маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлардан мустақил иш, курс иши, битирув малакавий ишларни бажариш, давра суҳбати, матбуот конференцияси, конференция, экскурсия, экспедиция, кўриктанловлар, тўгарак шаклидаги тарбиявий тадбирларга фойдаланиш ҳам тавсия этилган.

«Жалолоддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланишнинг шакл, метод ва воситалари» деб номланган иккинчи бобда Жалолоддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланиш мазмуни ҳамда «Шарқ педагогикасида маънавий-ахлоқий тарбия» номли электрон дастур тузилмаси, мазмунини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ёритилган.

Диссертацияда Жалолоддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида фойдаланиш мазмуни шахсинг шаклланиши ва тузилиши, шахс фазилатлари ва иллатлари, шахс шаклланишида миқдор ва сифат ўзгаришлари, алломанинг маънавиятга эришиш йўлидаги таълимоти, шахсинг маънавий-ахлоқий кўриниши, маънавий-ахлоқий тарбияни юксалтирувчи омиллар, устоз ва шогирд муносабатлари, таълим ва тарбия методлари таснифи, маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари, омиллари ҳамда шахсинг маънавий-ахлоқий шаклланганлик даражаси таснифи бўйича ишлаб чиқилган.

Жалолоддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларининг мазмун-моҳияти, асосий тушунчалар, маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари ва шаклланиш омиллари «Хом эдим: пишдим, ёндим» таълимоти асосида ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари ва уни шакллантириш омиллари

№	Ахлоқий тарбия мезонлари	Ахлоқий тарбияни шакллантириш омиллари
1.	Кўриш	Яхши нарса ва ҳодисани кўришга интилиш, ёмон нарса ва ҳодисани кўрганда баҳолай билиш, ёмон нарсани кўришдан ўзини тийиш
2.	Эшитиш, тинглаш	Яхши нарса ва ҳодисани тинглашга интилиш, ёмон нарса ва ҳодисани эшитганда фарқлай билиш, ёмон нарсани эшитиш ва тинглашдан ўзини тийиш
3.	Сўзлаш	Яхши сўзларни гапиришга интилиш, ёмон сўзларни гапиришдан ўзини тийиш
4.	Амал қилиш	Яхши амалларни бажаришга интилиш, ёмон амаллардан ўзини тийиш
Ахлоқий тарбияни шакллантирувчи омиллар таснифи		
№	Омиллар	Ахлоқий тарбияни шакллантиришга таъсири

1.	Яхши нарса ва ҳодисаларни кўришга интилиш	Шахсни яхши ва ёмон билан таништиради, истиқболни кўра билишга ўргатади, жамиятга тўғри йўлни кўришга кўмаклашади
	Ёмон нарса ва ҳодисани кўрганда баҳолай билиш	Яхши ва ёмоннинг фарқига боради, кўрган вазиятини баҳолашда адашмайди, оқ ва қорани танийди, эътиқоди мустаҳкамланади
	Ёмон нарсаларни кўришдан ўзини тийиш	Нафсини ва хирсини жиловлайди, иродасини мустаҳкамлайди, фикрини мусаффо тутади
2.	Яхши нарса ва ҳодисаларни тинглашга интилиш	Яхши (бунёдкор) ва ёмон (бузғунчи) товушни, овозни, англайди, ўз-ўзини яхши нарса ва ҳодисаларни тинглаш орқали ривожлантиради, асабини даволайди
	Ёмон нарса ва ҳодисаларни эшитганда фарқлай билиш	Алдоқчи, фирибгар, овозларни фарқлашни ўрганади, ёмон нарсаларни эшитганда виждонан ёндашади ва ўз танлаган йўлидан қайтмайди, алдоқчи овозларга алданиб қолмайди
	Ёмон нарсаларни эшитиш ва тинглашдан ўзини тийиш	Соғлиғини мустаҳкамлайди, фикрлаши тезлашади, турли нарса ва ҳодисани эшитганда иккиланиб қолмайди
3.	Яхши сўзларни гапиришга интилиш	Яхши сўзларни ишлатишни, сўзни ўз ўрнида кўллашни ўрганади, атрофдагилар хурматига сазовор бўлади
	Ёмон сўзларни гапиришдан ўзини тийиш	Иродасини мустаҳкамлайди, чуқур ўйлаб кейин гапиришни ўрганади, сўз айтилагандан сўнг уни қайтариб олиш мумкин эмаслигини англайди, ҳеч кимнинг қалбига озор бермайди
4.	Яхши амалларни бажаришга интилиш	Яхши амал фойдасини билади, ҳаммага ёрдам кўлини чўзишни ўрганади, бағрикенглик моҳиятини англайди
	Ёмон амаллардан ўзини тийиш	Иймонни мустаҳкамлайди, бажараётган фаолиятини англайди, манманлик ва такаббурликдан юз ўгиради
№	Маънавий тарбия мезонлари	Маънавий тарбияни шакллантириш омиллари
1.	Ишониш	Иймон-эътиқодли бўлиш
2.	Қабул қила билиш	Кенг феълли, бағрикенг бўлиш
3.	Англаш	Мард, жасур, иродали, матонатли бўлиш
4.	Ҳис қила билиш	Қалбга кулоқ тута билиш
5.	Тушуниш	Виждонан ёндашиш

Маънавий тарбияни шакллантирувчи омиллар таснифи		
№	Омиллар	Маънавий тарбияни шакллантиришга таъсири
1.	Иймонлилик	иймон тозалиги, иймон омонлиги, кибру-ҳаводан холилик, иймонда сабр-қаноатлилик, иймон тириклиги
2	Эътиқодлилик	эътиқод тўғрилиги, эътиқодда журъатлилик, эътиқод мустаҳкамлиги, эътиқодда қатъиятлилик, эътиқодда ишонч, эътиқодда огоҳлик
3	Бағрикенглик	биродарлик, ирқчиликка нисбатан муросасизлик, кенг феъллилик, миллатчиликка нисбатан муросасизлик, сахийлик, халқлар ва миллатлараро тотувликка хайрихоҳлик
4.	Иродалилик	иродани мустаҳкамлаш, нафсни тия билиш, бойликка хирс кўймаслик, манманлик ва такаббурликка берилмаслик, ўзгалар ютуғига ҳасад қилмаслик, сабр-бардошли ва қаноатли, матонатли ва мард, меҳнатсевар бўлиш
5.	Софкўнгиллик	қалбни тозалаш, қалбни пок тутиш, қалбга кулоқ солиб иш кўриш, беғаразлик, қалб амри билан яшаш
6.	Виждонлилик	ҳалоллик, меҳр-вафо, хайру эҳсон, ғам чекиш, пушаймонлик, тавба қилиш

«Шарқ педагогикасида маънавий-ахлоқий тарбия» номли электрон дастур тузилмаси фан дастури, ишчи дастур, аннотация, маъруза машғулотлари мазмуни, семинар машғулотлари мазмуни, слайдлар, фан бўйича назорат саволлари, тест саволлари, «Маснавий маънавий»дан ҳикоялар, «Маснавий маънавий»дан ҳикматли сўзлар, глоссарий ҳамда фойдаланган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Бухоро давлат университетида 2015-2016 ўқув йили давомида умумий аудитория соати 54 соат, шундан 24 соат маъруза, 30 соат семинар, 87 соат мустақил таълимни ўз ичига олган танлов фани сифатида «Шарқ педагогикасида маънавий-ахлоқий тарбия (Жалолиддин Румий маънавий мероси мисолида)» номли фан дастури ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга татбиқ қилинган.

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш**» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш босқичлари ва натижалари баён этилган.

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий таълимотидан фойдаланишга доир тажриба-синов ишлари махсус методика асосида олиб борилди. Мазкур методика замонавий дидактик таъминот воситасида ташкил этилгани, педагогик шарт-шароитларнинг мақбуллиги, олий таълим муассасаси ўқув жараёни ва талабалар салоҳиятининг ҳисобга олингани, тажриба-синов майдонларининг имкониятлари, аллома ижодидан фойдаланиш даражасини аниқлаш мезон ва кўрсаткичларининг ишлаб чиқилиши ҳамда натижанинг

баҳоланиши, таълим мазмуни ва ўқув топшириқларининг уйғунлигини таъминлашга тегишлилиги билан аниқланди.

Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланишни ташкил этиш учун амалий фаолият объекти (тажриба майдони) сифатида Бухоро давлат университетининг педагогика, ўзбек филологияси, тарих факультетлари, Бухоро муҳандислик-технология институтининг электротехника ва ишлаб чиқириш ахборот камқикатив технологиялари факультети, Навоий давлат педагогика институти бошланғич таълим услубиёти, педагогика, ўзбек филологияси, тарих факультетлари, Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси, ижтимоий иқтисод, педагогика факультетлари, Қарши давлат университети педагогика, ўзбек филологияси факультетлари, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг бошланғич таълим ва жисмоний маданият, педагогика-психология факультетлари танланди, 788 нафар талаба респондент сифатида тажриба-синов ишларига жалб этилди.

Тажриба-синов ишларининг мақсади, вазифалари, кутиладиган натижаларини баҳолаш (самарадорлик) мезонлари, тажриба-синов ишлари объекти (предмети), босқичлари белгилаб олинди.

Тажриба-синов дастури асосида тажриба-синов ишлари методик ва ташкилий таъминотини ишлаб чиқиш, тажриба-синов машғулотларини ташкил қилиш мезонларини белгилаб олиш, тажриба-синов натижаларини қайд этиш усулларини белгилаш, тажриба-синов ишларини натижалаш алгоритминини ишлаб чиқиш, олинган эмпирик маълумотларни миқдор ва сифат кўрсаткичлари асосида таҳлил қилиш ҳамда назарий асосда умумлаштириш ишлари олиб борилди.

Тадқиқот жараёнида олий таълим муассасалари, шунингдек, талабалар фаолиятини бевосита кузатиш, респондент-талаба ҳамда ўқитувчилар иштирокида анкета саволлари, тест, суҳбат, давра суҳбати, дебат, баҳс-мунозара, маъруза, конференция, амалий семинар ва тренингларни ташкил қилинди, асословчи тажриба-синов ишлари натижаларини инобатга олган ҳолда талабаларнинг Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларини эгаллаганлик даражаси олдиндан белгиланган мезонлар асосида аниқланди.


Педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлил этишда респондент талабаларнинг тажриба майдонлари кесимида амалга оширилган методика бўйича Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларини эгаллаганлик даражалари математик статистика методи ёрдамида таҳлил этилди (2-жадвал).

Жадвал натижаларига асосланган ҳолда ўтказилган тажриба-синов самарадорлик даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари тўғрисида 10 та мезон бўйича тажрибадан кейинги ва тажрибадан олдинги ўртача ўзлаштириш Стьюдент ва Пирсоннинг χ^2 математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этилди.

**Тажриба-синов майдонларида ўтказилган тажриба-синов
ишларининг умумлашган кўрсаткичлари**

№	Анкета сўровномаси	Талабалар сони	тажрибадан олдин			тажрибадан кейин		
			Паст	Ўрта	Юқори	Паст	Ўрта	Юқори
1.	Самарқанд давлат университети	100	58	34	8	4	50	46
2.	Бухоро муҳандислик-технология институти	50	43	7		3	35	12
3.	Бухоро давлат университети	200	112	77	12	5	128	67
4.	Қарши давлат университети	178	136	34	9	9	116	53
5.	Навобий давлат педагогика институти	160	110	43	7	11	111	38
6.	Тошкент давлат педагогика университети	100	70	23	5	5	60	35
	Жами:	788	529	218	41	37	522	229

Юқоридаги жадвал асосида талабаларнинг тажрибадан олдин ва кейинги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи H_1 фараз ва унга зид бўлган H_0 фараз танланди (2 - расм):



2-расм. Тажриба-синов натижалари

Юқоридаги натижаларга асосланган ҳолда, математик статистик таҳлил қилиниб, тажриба якунидаги ҳолат учун топилган натижалардан ўртача квадратик четланиш, танланма дисперсия, вариация кўрсаткичлари, Стъюдентнинг танланма мезони, Стъюдент мезони асосида эркинлик даражаси, Пирсоннинг мувофиқлик критерийси ва ишончли четланишлари топилди.

\bar{X}	\bar{Y}	S_x^2	S_y^2	C_x	C_y	$T_{x,y}$	K	$X_{n,m}^2$	Δ_x	Δ_y
2,24	1,38	0,2824	0,34	1	1	33,07	1531	679,84	0,037	0,04

Натижалардан тажрибадан кейинги ва тажрибадан олдинги жараён учун Нейман ғояси асосида ишончли интерваллар топилди:

$$\bar{X} - t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \leq a_x \leq \bar{X} + t_{кр} \cdot \frac{S_x}{\sqrt{n}} \qquad \bar{Y} - t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}} \leq a_y \leq \bar{Y} + t_{кр} \cdot \frac{S_y}{\sqrt{n}}$$

$$2,24 - 0,037 \leq a_x \leq 2,24 + 0,037 \qquad 1,38 - 0,04 \leq a_y \leq 1,38 + 0,04$$

$$2,2 \leq a_x \leq 2,28$$

$$1,34 \leq a_y \leq 1,42$$

Олинган натижалардан тажриба-синов ишларининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланди.

Маълумки $\bar{X}=2,24$; $\bar{Y}=1,38$ $\Delta_x = 0,037$; $\Delta_y = 0,04$ га тенг.

Бундан сифат кўрсаткичлари:

$$K_{ycб} = \frac{(\bar{X} - \Delta_x)}{(\bar{Y} + \Delta_y)} = \frac{2,24 - 0,037}{1,38 + 0,04} = \frac{2,2}{1,42} = 1,54 > 1;$$

$$K_{oob} = (\bar{X} - \Delta_x) - (\bar{Y} - \Delta_y) = (2,24 - 0,037) - (1,38 - 0,04) = 2,2 - 1,34 = 0,86 > 0;$$

Олинган натижалардан ўқитиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба-синов дастурида белгиланган ишланма, тузилмалар асосида ташкил қилинган таълим жараёни натижасида тажрибадан кейин тажриба-синов гуруҳидаги ўзлаштириш тажрибадан олдинги ўзлаштиришдан юқори.

Демак, ўтказилган тажриба-синов даражасини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадорлиги статистик таҳлилдан маълум бўлди.

ХУЛОСА

1. Жалолоддин Румий маънавий-ахлоқий таълимотини ўрганиш педагогик муаммо сифатида Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Озарбайжон, Тожикистон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Грузия, Туркия, Англия, Албания, Франция, Германия, Россия, АҚШ, Канада ва бошқа кўпгина давлатлар тадқиқотчиларнинг тадқиқотларида илмий-фалсафий, психологик, маънавий-маърифий қарашлари таъкирланганлик (антология), шарҳланганлик, таржимонлик ҳамда тадқиқот йўналишлари бўйича ўрганилган.

2. Жалолоддин Румийнинг «Маснавийи маънавий» асари шахсни маънан етуклик, ахлоқан покликка етаклаш манбаси экани, маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлари она вужуди, оила, устоз-шогирд ва жамоа йўналишлари асосида таснифланиши таълим жараёнида фойдаланиш имкониятларини такомиллаштиради.

3. Олий таълим тизимида Жалолоддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати бакалавр босқичида ўқитилиши йўлга қўйилган ўқув фанлари ва аудиториядан ташқари ишлар, мустақил таълим жараёнининг педагогик имкониятларини кенгайтиради.

4. Жалолоддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим жараёнида фойдаланиш мазмуни асардаги шахснинг шаклланиши ва тузилиши, маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашлар, шахс шаклланишида микдор ва сифат ўзгаришлари, алломанинг маънавиятга эришиш йўлидаги таълимоти, шахснинг маънавий-ахлоқий кўриниши, маънавий-ахлоқий тарбияни юксалтирувчи омиллар, устоз ва шогирд муносабатлари, таълим ва тарбия методлари таснифи, маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари, омиллари ҳамда шаклланганлик даражаси сифатида таснифлаш имконини беради.

5. «Шарқ педагогикасида маънавий-ахлоқий тарбия» номли электрон дастур тузилмаси фан дастури, ишчи дастур, аннотация, маъруза машғулотлари мазмуни, семинар машғулотлари мазмуни, слайдлар, фан бўйича назорат саволлари, тест саволлари, маснавийдан ҳикоялар, маснавийдан ҳикматли сўзлар, глоссарий ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ишлаб чиқилган. Мазкур электрон дастур Бухоро давлат университети «Педагогика ва психология» таълим йўналиши амалиётига танлов фан сифатида жорий этилган.

6. Тажриба-синов ишларининг мақсади, вазифалари, кутиладиган натижаларни баҳолаш (самарадорлик) мезонлари, тажриба-синов ишлари объекти (предмети), босқичлари тажриба-синов методлари ва дастури асосида таъкидловчи, шакллантирувчи ва амалга оширувчи босқичларда тадбиқ этишни талаб қилади.

7. Таълим мазмунида Жалолоддин Румийнинг маънавий меросидан талабаларда миллий ва умуминсоний кадрлар негизида илмий ва гуманитар дунёқараш, юксак маънавият ва ижодий тафаккур, эътиқод ва ижтимоий

фаолликни шакллантиришда фойдаланиш кутилган педагогик, психологик самарани яратади.

8. Таълим жараёнида Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан фойдаланиб, талабаларда таълимнинг тарих, фалсафа, халқ анъаналари, урф-одатлари билан узвий бирлигини, бошқа халқлар тарихи ва маданиятига ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлаш каби вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

9. Аудиториядан ташқари машғулотларда Жалолиддин Румийнинг маънавий меросидан фойдаланиб, талабаларда инсонпарварлик, ватанпарварлик ва байналминаллик руҳини ривожлантириш таъминланади.

10. Жалолиддин Румийнинг маънавий-ахлоқий тарбияга оид қарашларидан таълим ва тарбия жараёнида мустақил фикрлайдиган, мустақил қарорлар қабул қилишга қодир, ҳар томонлама ривожланган, баркамол шахсни шакллантиришришда фойдаланиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ИЗБУЛЛАЕВА ГУЛЧЕХРА ВАЛЕРИЕВНА

**ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ДУХОВНО-МОРАЛЬНЫХ
ВЗГЛЯДОВ ДЖАЛАЛАДИНА РУМИ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ
ПРОЦЕССЕ**

13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2017.1.PhD/Ped21.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (русский, узбекский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (www.tgpiu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: Булатов Саидахбор Собитович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты: Мардонов Шукрулла Кулдошович
доктор педагогических наук, профессор

Хомиджон Хомидий
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация: Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №__). Адрес: адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-82-32; факс: (99871) 276-76-51.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2018 года).

Ш.С. Шарипов

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, д.п.н., проф.

Р.Г.Исянов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени доктора наук, к.п.н.

Д.Д.Шарипова

Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученой степени доктора наук, д.п.н., проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире человек и его достоинство, развитие общества оценивается богатым духовным наследием предков, и ценится в качестве фундамента будущего. Духовное наследие мыслителя Джалаладдина Руми широко изучается в исследовательских центрах многих государств Европы и Азии, организованы проекты, музеи и виртуальные музеи, фонды, конференции, интернет-страницы и система журналов, основанных на изучении духовно-просветительского наследия мыслителя. Широкое празднование 800 летия Руми во всем мире в 2007 году под эгидой ЮНЕСКО в признание гения ученого свидетельствует об общечеловеческом значении его богатого духовного наследия.

В нашей стране восстановление духовного наследия, национальных и общечеловеческих ценностей, воспитание молодого поколения всесторонне гармонично развитыми людьми, обладающими высокой нравственностью возведено до уровня государственной политики. Ибо развитие общества связано с «...воспитанием знающих свои права, опирающихся на свои силы и возможности, способных к самостоятельному отношению к окружающим событиям и явлениям, рассматривающих свои личные интересы в единстве с интересами страны и народа, всесторонне развитых людей»³ в этом большое значение приобретает дальнейшее совершенствование интеграции науки, образования и производства. Так, принятие Указа Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» подняло на качественно новый уровень процессы совершенствования государственной молодежной политики «воспитание физически здоровое, духовно настроенное, независимое мышление, молодых людей с истинным, патриотическим отношением к Родине...»⁴.

Новый подход к духовному наследию позволил знакомство с признанной в нашей республике и народами мира, поэмой, имеющей очень большую образовательно-воспитательную ценность «Маснави-йи манави» (Поэма о скрытом смысле). Давшего наиболее широкое определение из всех мыслителей в духовно-нравственном воздействии на личность понятиям «совершенство» и, особенно «духовность», раскрывшего их сущность Джалаладдина Руми. Воспитание через данное произведение веру и убеждения, чистоту души, прозрачность совести, прекрасное поведение, самосознание личности, налаживание и развитие использования духовного наследия мыслителя в образовательном процессе, совершенствование современных форм, методов и средств обучения обретает большое значение.

³ Каримов И. А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2011, – Б. 76-77

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар Стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон, 70-модда.

Настоящая диссертация в определенной мере служит решению задач, определенных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Постановлений №ПП-451 от 25 августа 2006 года «О повышении эффективности пропаганды национальной идеи и духовно-просветительской работы». №ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О дальнейшем совершенствовании системы высшего образования» и Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан №311 от 24 июля 1998 года «О мерах по дальнейшему углублению реформ в сфере духовности и просветительства и повышению их эффективности». А также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового государства, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В нашей республике вопросы духовно-нравственного воспитания, культуры, национальных и общечеловеческих ценностей, педагогические взгляды мыслителей Востока составляют основное содержание научных исследований в области педагогики. Так, А.М.Абдуманнотов, А.Т.Тилегенов, Б.Х.Караева, Г.К.Зарипова, Д.А.Ахатова, З.Б.Ахророва, К.Ю.Киличева, М.О.Иномова, М.С.Салаева, М.Э.Исмаилова, Н.М.Эгамбердиева, Н.Ортиков, О.Мусурмонова, Р.Маматкулова, С.Нишонова и другие. В своих работах отразили теорию и практику духовно-нравственного воспитания, влияние духовного наследия на совершенствование личности, взгляды мыслителей Востока о гармонично развитой личности. А.Чориев и Н.Чориев при освещении тесной связи истории педагогики с суфизмом подчеркивали, что духовное наследие Джалаладдина Руми, наряду с мыслителями Востока, является важным источником, указывая на необходимость его изучения.

Уважительное отношение к творчеству Джалаладдина Руми на нашей земле достигло высокого уровня. Начиная с XIV века. Абдурахман Джамии, Алишер Навои, Хусейн Воиз Кошифи, Шейх Одина Мухаммад Хорезми, позже Мирза Абдулқодир Бедил, Боборахим Машраб и другие великие мастера слова признавали Руми своим учителем, создавали, воодушевляясь его произведениями, научно-исторические, художественные труды в области совершенства, духовности, морали личности. Наряду с переводами трудов Руми, осуществленными А.Махкамом, Ж.Камалем, М.Хасани, У.Хамдамом опубликование переводы, комментарии, научно-популярные статьи А.Самада, А.Тилавова, Э.Шукура, И.Хаккула, Н.Комилова, М.Абдурасула, О.Усмона, Р.Жумаева, Э.Очилова, Х.Болтабоева, Х.Фикрата, Х.Хомиди. Также, Г.Н.Наврүзова, Г.Т.Кобулниёзова, Н.И.Зайнобидинова и другие в своем научном творчестве исследовали наследие Руми в философском, научном аспектах.

В области изучения и использования наследия Руми выполнены научно-философские, художественно-просветительские исследования учеными Пакистана, Индии, Ирана, Азербайджана, Таджикистана, Средней Азии, Грузии, Турции, Англии, Франции, Германии, Албании, России, США и Канады. Среди них можно перечислить таких ученых-востоковедов, как А.Гулпинарли, А.Ж.Орбери, А.Зарринкуб, А.Х.Халифа, А.Шиммел, Б.Фурузонфар, Д.Щедровицкий, И.Х.Иброхимова. И также К.Баркс, К.Хуар, М.Икбол, М.Истеълумий, М.Н.Османов, М.Хаткевич, Н.Одилов, Р.Никольсон, Р.Фиш, С.Сечев, Т.Пурномдориён, У.К.Читтик, Ф.Д.Луис, Х.М.Зиёев, Э.Д.Джавелидзе и многие другие.

Несмотря на наличие исследований, посвященных творчеству Руми востоковедческого, литературоведческого, философского, софистского, частично психологического направления, оставались без внимания проблемы анализа взглядов мыслителя именно в педагогическом аспекте. Несравнимое значение в истории педагогики образовательно-воспитательных, духовно-нравственных взглядов Руми стало основанием для определения темы настоящего научного исследования как «Эффективное использование духовно-моральных взглядов Джалаладдина Руми в образовательном процессе».

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ Бухарского государственного университета «Научно-педагогические основы использования наследия предков в духовно-нравственном воспитании гармонично развитого поколения», и полностью соответствует направлению научно-исследовательской работы университета.

Цель исследования заключается в обосновании возможности и внедрения в практику эффективного использования духовно-моральных взглядов Джалаладдина Руми в образовательном процессе.

Задачи исследования:

проанализировать научно-философские, психолого-педагогические, духовно-нравственные взгляды Джалаладдина Руми в области морально-духовного воспитания в направлениях написание тезкире (антологии), толкования (комментирования) перевода и научного исследования;

